



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI
TEMIR YO'LLARDA YUK VA YO'LOVCHILAR TASHISH XAVFSIZLIGINI
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI**

BUYRUQ

«30» 09 2020 й.

TOSHKENT

№ 103

**“Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга
қарши курашиш ҳамда унинг олдини
олиш юзасидан махсус ишчи гуруҳ
тузиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 17 сентябрдаги “Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан махсус ишчи гуруҳ тузиш тўғрисида”ги 186-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 17 сентябрдаги “Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан махсус ишчи гуруҳ тузиш тўғрисида”ги 186-сон буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

2. “Ўзтемирйўлназорат” инспекциясида Транспорт вазирлиги ходими иштирокида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан махсус ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ деб юритилади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тизимида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”да “Ўзтемирйўлназорат” инспекциясига тааллуқли бандлари ижроси таъминлансин;

инспекциянинг “Йўл харитаси” лойиҳаси ишлаб чиқилсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқлансин.

4. Инспекция бошлиғининг 2018 йил 13 августдаги “Ишчи гуруҳ тузиш тўғрисида”ги 157-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. Девонхона мазкур буйруқ билан барча ходимларни таништирсин.


6. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш инспекция бошлиғининг ўринбосари А.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Инспекцияси бошлиғи в. б.

Д.Ахмедов

**“Ўзтемирйўлназорат” инспекциясининг 30.09.2020 йилдаги 103–сон
буйруғи келишилди:**

Инспекция бошлиғининг ўринбосари



А.Абдурахманов

Инспекция бошлиғининг матбуот
котиби-ахборот сиёсати масалалари
бўйича маслаҳатчиси



Ф.Хайриддинов

Норматив-технологик бўлим бошлиғи в.б.



И.Халмухамедов

Бош юристконсулт



Ш.Рахманов

Кадрлар бўйича бош мутахассис



Ф.Кенжаева

Ахборот-коммуникация технологияларини
жорий этиш ва ривожлантириш
бўлими бошлиғи



Ш.Набиев

“Ўзтемирйўлназорат” инспекциясида яширин иқтисодиёт ва
коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан

махсус

ИШЧИ ГУРУХ ТАРКИБИ

№	Ф.И.Ш.	Лавозими
1.	Д.Ахмедов	“Ўзтемирйўлназорат” инспекцияси бошлиғи в.б., <i>Ишчи гуруҳ раҳбари</i>
2.	А.Абдурахманов	Инспекцияси бошлиғининг ўринбосари, <i>Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари</i>
3.	Лавозимига кўра	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ходими, <i>аъзо</i>
4.	Ф.Хайриддинов	Инспекция бошлиғининг матбуот котиби-ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, коррупцияга қарши курашиш бўйича координатор, <i>аъзо</i>
5.	К.Исмоилов	Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ва ижро назорати бўлими бошлиғи, <i>аъзо</i>
6.	И. Халмухамедов	Норматив-технологик бўлим бошлиғи в.б., <i>аъзо</i>
7.	Ф.Кенжаева	Кадрлар бўйича бош мутахассис, <i>аъзо</i>
8.	Ш.Рахманов	Бош юристконсульт, <i>аъзо</i>
9.	А.Нарходжаев	Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўлими бошлиғи, <i>аъзо</i>
10.	Ш.Набиев	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи, <i>аъзо</i>
11.	А.Матниязов	Бош бухгалтер, <i>аъзо</i>
12.	Н.Хасанов	Бош иқтисодчи, <i>аъзо</i>

Изоҳ: мазкур Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Ишчи гуруҳ таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахс ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахс киритилади.